

Содиқмирза Абдуллаев

ТАФАККУР ТУХФАСИ

(Ғазаллар, рубоийлар, тўртликлар)

**Наманган
2007**

Олим ва ижодкор

Содиқмирза Абдуллаев 1937 йилнинг 6 октябрида Наманган тумани Шўркўрғон қишлоғида туғилган. Отаси ва боболари Наманган, Қўқон ва Самарқанд шаҳарлари мадрасаларида таҳсил олган муллалар, онаси ва момоси эса мактабда ўқиган саводли кишилар эдилар.

Ундаги адабиётга меҳр онаси таъсирида шакллана бошлаган. Қишнинг узоқ тунларида онаси болаларига Бобораҳим Машраб шеърларидан, Ахмад Яссавий “ҳикмат”ларидан ўқиб берар эди. Мактабда адабиёт ўқитувчисидан, Андижон ва Наманган пед- институтларида эса шоир ва адабиётшунос устозларидан олган сабоқлари унинг шеърятга бўлган ҳавасини янада кучайтирди.

С..Абдуллаев илмий иш билан шуғулланиб иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига ва иқтисодий назария доценти илмий унвонига эга бўлди. Қирқ йилдан ортиқ иқтисодиёт назарияси фанидан дарс бериб келаётган бўлса-да, адабиётдан узоқлашмади. Бу боғланишнинг махсули сифатида “Тафаккур тухфаси” китобчаси ёзилди.

“Тафаккур тухфаси” тўпламига она юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат, фуқаролик ифтихори, фасллар таровати, ишқ ва вафо, ёр васфини куйловчи ҳикматомуз фикрлар билан йўғрилган ғазал ва рубоийлар жамланган.

Шоир назмлари маънавий баҳра ва завқ бағишлашидан умидвормиз.

А.Халилбеков,
филология фанлари номзоди, доцент.

ҒАЗАЛЛАР

Эй нозли гўзал

Эй нозли гўзал, кел менга дилдорлик айла,
Меҳрингни беру бир йўла чин ёрлик айла.

Жисмим ила жонимни сотай аҳдингга, эй ёр
Васлингни баҳосига харидорлик айла.

Мажнун ила Фарҳод етмаган бахтга етай мен,
Лайли ила Шириндек вафодорлик айла.

Севмоқ ва севилмоқ биз учун олий фазилат,
Қадрига ету ҳамда фидокорлик айла.

Севги сифатин васфини ёз, чарчама Содмқ,
Ошиғингга устозу зиёкорлик айла.

05.03.2005

Саодат

Саодат! Васлингга етдим, менга чексиз саодатдир,
Сулаймон давлатидан юз туман ортиқ фароғатдир.

Висолинг бодасин ишқ жомидан тотмоқ насиб бўлди-
Ки, чанқоқ жисмима жон бахш этувчи оби роҳатдир.

Муҳаббат жаннатидан жой ато этдинг карам бирла,
Сенинг ишқингда куйган осий бандангга шафоатдир.

Шу жаннат гулшанида бир умрга қолмоқ орзуйим,
Бенасиб айлама, Содмқ қулинг учун ҳалокатдир.

20.09.1988

Муҳаббат

Муҳаббат, о Муҳаббат, о Муҳаббат,
Қўлингман, айладинг шайдо, Муҳаббат.

Муқобил қомату зебо жамолинг,
Кўриб дерман: "Тасанно, о Муҳаббат!"

Қарошинг жон олиб, ишванг бериб жон,
Ажиб бир ҳол этар пайдо, Муҳаббат.

Сухонинг нағмаси жонларга роҳат,
Тафаккуринг бирам зукко, Муҳаббат.

Қачонким суҳбатингдан баҳрамандман,
Ҳаётимда тўлиқ маъно, Муҳаббат.

Муҳаббатга садоқатпеша Содмқ,
Уни эт, ўзингга ошно, Муҳаббат.

07.09.1994.

Бир муаллим

Дорулфунунимизда ишлайди бир муаллим,
Олмония тилидан ёшларга берар таълим.

Қуюқ қошин чиройи оламда ягонадир,
Қора ва чақноқ кўзи меҳрга тўла лим-лим.

Ҳар сафар кўришганда кўзим тўлар қувончга,
Аммо бу қувонч билан мутлақо тўлмас кўнглим.

Содиқ, кўнглинг розини очмоққа тўсиқ одоб,
Шу боис лол қолади ҳар сафар бийрон тилим.

10.04.1995

Қабоб

1994 йили Ўзбек сўми муомалага чиқарилгач, унинг қадрини сақлаш учун Наманган вилоятида 1 кг мол гўштнинг қассобхоналардаги нархи 8 сўмдан ошмаслиги белгиланди ва қабоб пишириб сотиш тақиқлаб қўйилди. Аммо сентябрь ойидаёқ гўштнинг нархи 15 сўмга кўтарилди.

Барча таомлар ичида шоҳу шоҳбоби қабоб,
Танга қувват бахш этарда барчадан сози қабоб.

Ресторану чойхона, тўю тамошода элим,
Сен туфайли рақси шўх, қувноқ кую сози қабоб.

Шулки боис мадҳингга бахшида шоирлар шеъри,
Куйчиларнинг куйи-ю, қўшиқчи оғози қабоб.

Лек Намангон юртидаким этдилар сени тақиқ,
Охиратга қолди дийдор, балки, бўл рози, қабоб.

Кимки қиймат қонунин моҳиятин билмас магар,
Нархга ўтказгай зуғумким, эли норози, қабоб.

Шукр қил, тангрига, Содмқ, аклдан оздирмасин,
Бўлмагайсан шармсор ҳам бўлғуси рози қабоб.

15.10.1994

ИҒВО

Ақл соҳибларига номуносиб, нораво иғво,
Бироқ, бу – дард, илашган баъзиларга бедаво иғво.

Қаю қалбда имон куртаклари нимжон ўсар, шунда,
Томир отгай мисоли чирмавиқдек рўдапо иғво.

Одоб, виждон, садоқат соҳиби содда кишиларнинг,
Орасига солиб фитна яратгай можаро иғво.

Ҳалолу тўғри ҳодимлар маломат ўқига мўлжал,
Гоҳи инсулт, гоҳи инфаркт этишга муддао иғво.

Она юртим бўлиб озод, бошида порлади офтоб,
Тараф солиб улусга бошлади қотил фидо иғво.

Кел, эй, Содмқ, уруш оч иғвогарлик салтанатига,
Фарот этмай она юртинг, элингни норасо иғво.

16.01.2001.

Гул фасли баҳор келди

Гул фасли- баҳор келди, кетди қиш-қаҳратонлар.
Илиди кўча, ҳовли, уй, даҳлизу айвонлар.

Газ ёнарди милтиллаб, ёққани ўтин қайда,
Кун-тун ўчиб электр, қалтираб ўтган онлар.

Қорин тўлару тўймас, грипп зўрлигин қўймас,
Чўнтак қуритиб боз-боз сарфи дори-дармонлар.

Илиқ баҳор нафасин сибқириб, мадор топиб,
Уйғонишди уйқудан наботот - тирик жонлар.

Бўй чўзиб укроп, кашнич, жағ-жағ, отқулоқ, ялпиз
Еган дардин қувишар бўлиб ёю пайконлар.

Баҳор муҳаббат фасли, ошиқлар кўнгли шодон,
Ҳар бир мусаффо қалбда севги қилар туғёнлар.

Баҳор шодлиги кўпдир, бўлмағил ғофил, Содмқ,
Баҳра ол тўйиб-тўйиб қолмасин ҳеч армонлар.

15.02.2000.

Наврўзи жаҳон боис

Олам бўлди нурафшон наврўзи жаҳон боис,
Кўнгиллар шоду хандон наврўзи жаҳон боис.

Кўзни қамаштиради қуёш нурида порлаб,
Мовий шишадек осмон наврўзи жаҳон боис.

Уқалаб кўзларини уйғонди қиш уйқудан,
Набототу тирик жон наврўзи жаҳон боис.

Бойчечагу чучмома баҳорнинг ёмғирида,
Ювишар юзин обдон наврўзи жаҳон боис.

Келди муҳаббат фасли интизор ўз жуфтига,
Қушу ҳайвону инсон наврўзи жаҳон боис.

Қалбда қувонч одамлар сиғмай қишлоқ, шаҳарга
Интилар дала томон, наврўзи жаҳон боис.

Рақсчи, куйчи, қўшиқчи қушлар "Баҳор валси"ни,
Ижро этишар чунон наврўзи жаҳон боис.

Содмқ, фурсат ғанимат ёру дўст, фарзандлар-ла,
Ўйна, яйра, кул, қувон наврўзи жаҳон боис.

06.04.1994

Қомати жонон кўринур

Ўйласам мен кўзима қомати жонон кўринур:
Чеҳраси нур таратувчи шами жаҳон кўринур.

Сурма қўйғондек қабоғи, лилга тўйгандек қоши,
Қора кўзин қораси, воҳ, Қора уммон кўринур.

Қоши ёйин остида киприклари гоҳ-гоҳ учиб,
Жисму жоним сайд этарга қасди пайкон кўринур.

Қаҳ-қаҳ отиб кулганида шодланиб, завққа тўлиб,
Огзининг ҳолати менга гули хандон кўринур.

Қоматига мутаносиб икки дуркун кўкраги,
Меҳр тафтига макону тафтга кон кўринур.

Бўйи бирла баслашувчи ўрим-ўрим сочлари,
Бўйи жаннат таратувчи мисли райҳон кўринур.

Англа, Содмқ, вақт ғанимат ёр билан даврон сур,
Ёрдан айру ўтган умринг сўнг пушаймон кўринур.

17.05.1998

Аёл борки...

Аёл борки, борлиқ - мунаввар,
Олам мисли гулзор - муаттар.

Аёл борки, бор ақлу иймон,
Одам зоти мағрур, музаффар.

Аёл борки, бор меҳру шафқат,
Гўдаклари ўсгай музаккар.

Аёл борки, эрлар жўмардлар,
Ниятлари бўлгай муяссар.

Аёл борки, иззату икром,
Боис барча чоллар мўътабар.

Аёл борки, илҳом, ижод бор -
Содмқмирза қозонгай зафар.

18.02.2000.

Наманган гул диёрим

Наманган гул диёрим, гуллаган чорбоғларинг бордир,
Жаҳонни лол этувчи истироҳат боғларинг бордир.

Баҳор боғлар гул очганда шамол, қиш-қаҳратонидан,
Уларни сақлагучи зўр деворинг – тоғларинг бордир.

Элинг белига қувват, жисмига соғлик бағишловчи,
Анор, анжир, ўрик, шафтоли, тут, ёнгоқларинг бордир.

Бозоринг мўлу қўл, арзон, товарлар рангоранг, хуштаъб-
Ки оқил, моҳиру мушфиқ, қўли қадоқларинг бордир.

Зироату тижорат ҳам саноати топиб равнақ,
Шаҳар бўлмокка интилган обод қишлоқларинг бордир.

Ягона оила фарзанди, ҳамдўст, ҳамнафас, ҳамкор,
Косонсой, Чуст, Учқурғон, Попу Чортоғларинг бордир.

Наманган қўзғолонида дилингда порлаган орзунг,
Мушарраф бўлдиким бахту кўнгил ардоқларинг бордир.

Фахр бўлсин сенга, Содмқ, Наманган она шахрингим
Бобо Машраб ва Фазлийдек ижод байроқларинг бордир.

14.10.2003.

Ёр этдинг

Кўнглимни суйгани мени ёр этдинг,
Лекин висолингга зорман, зор этдинг.

Интизорман сен-ла суҳбат курай деб,
Васл уйига бунча интизор этдинг.

Мағрурланма, юрмагил беэътибор,
Ошиғингман, неґа бунча хор этдинг.

Йироқ кетма, англа ҳуш дамлар қадрин,
Кўпроқ йўғу, аммо камроқ бор этдинг.

Орзуйингга шояд етарсан, Содмқ,
Гарчи ҳозир ҳижронни зуннор этдинг.

15.10.1994.

Бахмал қуёши

Ассалом алайкум, Бахмал қуёши,
Бахмал тоғларининг боқий йўлдоши.

Тоғнинг ўрқачида учрашдик бу кун
Билмадим неча минг бу тоғлар ёши.

Тоғларки, Аллоҳнинг меҳри йўғрилган,
Латофат бобида жаннат йўлдоши.

Теракзор” дам олиш уйи бир маскан,
Жаннатий масканлар ободи - боши.

Гирдо гирди тоғлар, ўзи “водийча,
Жилғасидан оқар суви - кўз ёши.

Беғубор, роҳатбахш, танга қувватбахш,
Бу тоғлар ҳавоси, меваси – оши.

Эй, Содмқ, шу тоғдек абадий бўлсин,
Ватан Мустақиллигин тамал тоши.

18.08.2006.

Яйра дил

Яйра дил бу кун наврўз, дўст-ошнолар жаъм,
Кўнгли кўнглига монанд хешу ақраболар жаъм.

Аҳли одоб, нозик таъб, ўз ишин билимдони,
Юрт равнақи йўлида жонлари фидолар жаъм.

Даврага бағишлаб файз ўлтиришар устозлар,
Тарбият этиб бизни соҳиб муддаолар жаъм.

Лайли билан Шириндек ҳар аёл садоқати,
Латофати беназир ишваю адолар жаъм.

Иймон, адолат, ғайрат, ғурур, жасорат, ҳиммат -
Ҳар бир йигит атвори, феълига жилолар жаъм.

Озод, мустақил юртинг, Содмқ, бошинг осмонда,
Бахти бутун, эли тинч бошида хумолар жаъм.

19.12.2000.

Турғун ва ўткинчи

Бу оламда неки мавжуд бари турғун ва ўткинчи,
Дегум такрор ва такрор бари турғун ва ўткинчи.

Қачон одам ақл топиб буюк инсонга айланди,
Яратган нарсаси турғун, ажаб, соҳибкор ўткинчи.

Очиб қўриқ сепилгай дон, этилгай боғ олиб ҳосил,
Еру боғ нисбатан турғун, ҳосили шудгор ўткинчи.

Яратдик шаҳру қишлоқлар, қуриб йўлу иморатлар,
Бинолар турғуну аммо, ўзи бинокор ўткинчи.

Ақл соҳиблари минглаб бу олам сирларин очди,
Улар кашфиёти турғун, бироқ ижодкор ўткинчи.

Тўқилган дoston турғун, ёзилган шеър турғундир,
Ва лек дostonчи бирла соҳиби ашъор ўткинчи.

Яралган куй турғундир, қўшиқ куйловчи ўткинчи,
Фақат куйловчимас, куй соҳиби бастакор ўткинчи.

Гўзаллик сирларин мўйи қалам рангларда қолдиргай,
Яратган расми турғуну мусаввир шунқор ўткинчи.

Бу олам сирларин билмоқ ақл соҳибига шартдир,
Тафаккур қил: нима турғун ва нима бисёр ўткинчи?

Бирон ҳодиса юз берди макон, замони турғундир,
Кишилар қараши ҳар хил, кўпи зинҳор ўткинчи.

Хулоса шулки, эй Содмқ, кишилар ишлари турғун,
Бироқ умрлари ўткинчи – чопқир тулпор, ўткинчи.

22.08.2006.

Жонон келади

Тўю томоша билан уйимга жонон келади,
Демагум жонон менинг жисмим оро жон келади.

Кулбаи хонамни мунаввар этиб, обод қилиб
Ҳуснига ҳусн кўшиб нури-нурафшон келади.

Падари бузрукворим тоат суви илиқ бўлиб,
Бизни дуо этгали тиллари равон келади.

Волидаи муҳтарамим қўлларига қўл бўлиб
Рўзғор юмушида белига дармон келади.

Қўша-қўша ўғилу қизларима она бўлиб
Солиҳ-ул-фарзанд этарда кони имон келади.

"Бир никоҳли бўл" дебон олган дуоларим ҳақи,
Бир умрли ёр бўлишга аҳду паймон келади.

Яхши ният айла, Содмқ, ниятинг йўлдош бўлур,
Балки бахтинг бекаму кўст, орзунг имкон келади.

28.09.1994.

Нозанин

Ўлтириб ёнимга тортдинг эътиборим, нозанин,
Банд этиб ҳуснингга олдинг ихтиёрим, нозанин.

Гоҳи-гоҳи сўзлашиб жон озуғи сўзлар билан,
Ўзингга ром айладинг фикру ҳаёлим, нозанин.

Сайргоҳ этгач иковлон кўҳна Тошкент шаҳрини,
Ортди бисёр сенга меҳру ифтихорим, нозанин.

Аmmo сен кўрсатмадинг зарра муҳаббат учқунин,
Айтчи сен-чун борми фарқи йўқу борим, нозанин.

Ўксима, Содмқ, муҳаббат барчада тенг бўлмагай,
Ишқ аро султон бўлиш эзгу шиорим, нозанин.

14.09.1988.

Лариса қўшиқ айтганда

Севимли ҳонанда Лариса Мосқалевага

ҒАЗАЛ шавқу жило топгай Лариса қўшиқ айтганда,
ҒАЗАЛ куйла вафо топгай Лариса қўшиқ айтганда.

Муҳаббат изтиробида эзилган хаста кўнгиллар,
Олиб ором шифо топгай Лариса қўшиқ айтганда.

Элим мумтоз қўшиқлари ҳаётин янгидан бошлар-
Ки, ҳар бири Хумо топгай Лариса қўшиқ айтганда.

Она халқим ижодин лаззатидан баҳра олмаслар,
Таназзулдан жазо топгай Лариса қўшиқ айтганда.

Бериб жаннат оромини дилинг сарҳуши-чун, Содмқ,
Биҳишт куйи раво топгай Лариса қўшиқ айтганда.

8.11.2000.

Нанайдан ёринг бўлса

Нанайдан ёринг бўлса, ёрингдан кўнглинг тўлса,
Сенга ёринг қалбининг энг тўридан жой бўлса.

Барчин каби қоматли, юрса ерлар гурсиллаб,
Шўхлигу шижоатда чопқир, асов той бўлса.

Қалдирғоч қанотидек қошлари қалам-қалам,
Кўзлари хуморлию юзи тўлин ой бўлса.

Ҳижрон азобидан сўнг ёр билан ўтган дамлар,
Лаззатин лаззатлиги «келин-куёв чой» бўлса.

Содмқ, ишқнинг олови борлигинг ёндиргуси,
Ёр меҳру мурувватда суви тўла сой бўлса.

18.11.2001.

РУБОЙЛАР

1

Қўлдан келар ишни қилгуси киши
Қўлдан келмас ишни билгуси киши.
Агарда шу меъёр тўғри танланса,
Албатта ниятга етгуси киши.

2

Илм эгаллашга сарфланган соат,
Афзалдир этмоқдан бир тун ибодат.
Чунки ҳам бу дунё, ҳам у дунёда
Тангри оқилларга берур саодат.

1987 йил.

3

Ишқи йўқ - эшагу, дарди йўқ - кесак”
Дер экан Навоий ҳақмикан, десак.
Ҳайвон билан одам бир – фауна-ю,
Ҳайвон билан инсон фарқлидир, бешак.

4

"Оламнинг шодлиги йиғилса бутун,
Дўстлар дийдоридан бўлолмас устун"-
Дер экан шоир ҳақ, лекин мен учун,
Ёрим висолидан йўқ шодлик устун.

5

Севиклинг нозининг борлиги яхши,
Кўнглининг ҳам бироз торлиги яхши.
Аммо қалбинг эса ошириб нозин
Ким дер бундай ёрнинг "Ёрлиги яхши".

6

Топганим рўфорима етмайди, кўп вақт етмагай,
Эҳтиж имконият кутмайди, кўп вақт кутмагай.
Қанча жон куйдирмайин мўл-кўл яшаш орзусида
Қамбағаллик соядек кетмайди, кўп вақт кетмагай.

7

Юзингга мақтаса бил - лаганбардор,
Ортингдан мақтаса бергил эътибор.
Фарқин ажратмасанг, мақтовгўй бўлсанг
Бир кун мактаганлар сени этар хор.

8

Биз билан гуруҳда ўқиди бир қиз
Заркент олмасидек юзлари қирмиз.
Ақлу хулқ-атворда тенги йўқ гўзал,
Чотқол оҳусидек хумор кўз қирғиз.

9

Ақлимнинг ҳукмига кўнглим бўйсунмас -
Мени севганларни у, асло, суймас.
Кўнглим суйганлари мени севмаслар
Севишмас, ҳаттоки, қўлин тутқазмас.

10

Кўмир ёнганида етказар фойда,
Ёнмаса доғ қолар ундан ҳар жойда.

Эл-юрт равнақи деб кўмирдек ёнсанг
У ривож топади, ёнмасанг қайда...?

11

Тақдир бахт бериди-ю тўлиқмас бироқ.
Шундан кўнглим бўлар ҳамиша ғамнок.
Узук ёр ҳўлида туну кун ҳамроҳ
Қандай бахтим тўлсин мен ёрдан йироқ?

12

Яхшилик кўпмикан, ёки ёмонлик?
Иккисин тенг билсак, бўлмас нодонлик.
Туғилмоқ яхши-ю ўлмоқлик ёмон
Бормикан ўлимдан топган омонлик?

13

Муҳаббат билан рашқ азалдан ҳамроҳ.
Аммо бир-бирига доим қазир чоҳ.
Севги ғолиб чиқса, севишганлар - шод.
Рашқ енгса, ошиқлар иши - оҳу воҳ.

1988 йил.

14

Эълон қилдик жамиятни қайта қуришга,
Ва тадбирли миллатлардек илдам юришга.
Дастурлару қарорларда кўп қайта қурдик
Ва эришдик бир маконда тўхтаб туришга.

15

Умр тулпорига минганинг замон
Охиратга томон етказар ҳар он,
Таажжуб, ёшлиқда имиллаб юрган
Тулпоринг кексайгач, бўлар чопағон.

16

Қабристондан ҳикмат топдим, ногаҳон.
Аслида ҳикматмас, ҳаммага - аён:
Тиригида тенгсиз кишилар қабрин
Баъзиси - ободу баъзиси - вайрон.

17

Моддий бойликларга хазиначи - ер.
Одам ҳам ризқини ердан топиб ер.
Барча жонзотларни тўйдирган тупроқ
Оқибат барчасин битта-битта «ер».

18

Нодонликнинг бир шеvasи – манманлик,
Кибру ҳавонинг меваси - манманлик.
Бадфеъллиги учун талоқ қилинган
Ҳокисорликнинг беваси - манманлик.

1991 йил.

19

Ниятим шу: бўлмайин маддох,
Ва бўлмайин бошлиққа ялтоқ.
Минг йилдан сўнг ўқиганлар ҳам
Шунда демас: "Ўзганинг – чатоқ".

20

Тараққиётга ғов партократия,
Чунки унга ҳамроҳ бюрократия.
Юксалиш меваси беради ҳосил
Енголса иккисин демократия.

21

Назардан қолдирманг болани асло,
Сўнг касал ниҳолга қидирманг даво.
Юз сўмлаб дорига пул сарфлагандан
Бир сўмлаб емишга сарфлаган аъло.

17.03.92

22

Тарих синовидан ўтганлар ҳам кўп,
Тарих синовига етганлар ҳам кўп.
Тарих дафтаридан излари ўчиб
Беному бенишон кетганлар ҳам кўп.

23

Партократнинг иккидир юзи.
Мос келмайди ишига сўзи.
Намозхонни этарди таъқиб
Бугун эса намозхон - ўзи.

24

Гуноҳ иш қилолмай қолганда киши,
Насиҳат қилишга ўтармиш иши.
Гўё ўз ўтмиши бегуноҳ ўтган
Ёшларнинг қилмиши - унинг ташвиши.

25

Инсон заковатин дурдонаси - пул.
Пул бўлса бир қадам, ҳатто, Ливерпуль!
Пул топишни билинг, уни қадрланг
Пулсиз рўзғор - хароб, абру ҳам - бир пул.

26

"Юракдан севаман" деган инсонлар -
Севги аъзосини билмас нодонлар.
Юраги алмашган пациентларнинг
Севгиси ўзгармас, шунга ҳайронлар.

27

Фақат ибодатга берилманг, асло,
Ва "Мен - мусулмон" деб керилманг, асло.
Намоз – муслимлик фарзларидан бири.
Қолган фарзларидан чегрилманг, асло.

28

Қаттиқ жазога азм айласа Худо
Бандасин ақлидан этармиш жудо.
Эл-юрт бахтсизликка учрайди, доим,
"Бошсиз" бошлиқларга бўлса мубтало.

29

Жаҳл келганида қўллама жазо,
Сабр қидиришга эт ўзни фидо.

Қайта-қайта ўлчаб гуноҳ меъёрин
Сўнг жазо қўлласанг, қилмайсан хато.

30

Очиқ чеҳралилик - жаннатдан нишон,
Улар суҳбатидан роҳат олар жон.
Турки совуқлардан узоқ, тут, тангрим,
Мулоқот этмасин мен билан шайтон.

31

Кофир ё мусулмон, ўзбек ё юнон,
Бўлмасимдан аввал бўлганман инсон.
Сўнг евмонглоид, сўнг турк ўзбеги
Шундан сўнг мусулмон, сунний мусулмон.

1992 йил

32

Рубоий жанрининг уммони - Ҳайем.
Рубоийшунослар султони - Ҳайём.
Мухлисинг эрурман ва, балки, шогирд
Қаламқаш орзуси, армони - Ҳайём.

33

Ёзув - инсон учун бебаҳо йўлдош,
Бизни тарих билан этади сирдош.
Шу ёзув туфайли суҳбат қуришар
Барча ўтмишдошу барча келмишдош.

34

Дўстни дўст қилувчи - дўстона ишинг,
Бошига иш тушса - чеккан ташвишинг.
Безътибор бўлсанг қилмай ғамхўрлик
Бегона бўлгуси энг яқин кишинг.

35

Неки тангри бизга айлади ато,
Барчасидан баҳра олмоқлик - раво.
Ўйнайлик, қулайлик, ейлик, ичайлик
Шукр айлаб тирикмиз, бўлмасдан фано.

36

Оқил кишиларни бой этгучи – пул,
Нодонлар аҳволин вой этгучи - пул.
Пулнинг табиатин ўрганинг, дўстлар,
Рўзғор қозонин сермой этгучи - пул.

37

«Кеча коммунистдим, бугун – демократ,
Балки яна тузгим янгича фирқат.
Қайси амал берса, шунга аъзоман,
Маслакка туфурдим», - дер партократ.

38

Муслимга зарурроқ масжидми, мактаб?
Албатта, масжиддан зарурроқ - мактаб.
Тангри-чун энг аввал ибодат илмин
Бизга ўргатувчи масжидмас, мактаб.

39

Ўғрилар кексайгач бўлармиш сўфи.
Отин бўлишармиш ғарларнинг кўпи.
Дехқон - доим дехқон, ишчи ҳам - ишчи.
Ўзин ўзгартирмас инсонлар хўби.

1993 йил.

40

Тангри жисмимни соғ, бекўст яратди,
Ақлимни ҳам тийран, дуруст яратди.
Берди вафодор ёр, солиҳ фарзандлар
Ҳамда мен-чун талай чин дўст яратди.

41

Омилар бегуноҳ мисоли сағир,
Оқилга эргашмоқ - уларга тақдир.
Чала муллалардан асрагил, Тангрим.
Чала билишару ўргатар тадбир.

42

Инсонга умрни чоғларкан Худо,
Минг бир дард яратмиш ва минг хил даво.
Нисбат маъқулмасми ичиб ва чекиб
Қисқартар баъзилар муддатин қазо.

43

Ёздан куз, куздан қиш ва қишдан баҳор...
Бундай алмашувда қандай маъно бор?
Яшашин мазмунин билмамиш Ҳайём,
Ҳаёт мазмуни шу - инкорни инкор.

44

Бир аср ҳам эмас умри инсоннинг,
Гарчи тожи эрур жумла жаҳоннинг.
Шуни била туриб иғво, тухмат-ла
Кўп кўришар танда маконин жоннинг.

45

Севишганлар ёшлигида бўлишади серараз,
Бу аразлар рўзғор бузмас, аксарият – беғараз.
Лекин, битта «лекин»и бор - муҳаббатнинг онлари
Ўткинчидир, билмай уни боқий қилишар фараз.

46

Шиор айтмакликни айладинг ҳавас,
Бунга академик ақл шарт эмас.
Партия ва давлат сардори бўлгин
Шу ўзи етарли, шунинг ўзи - бас.

47

Иқтисод бошидан кечмоқда бўҳрон,
Элни тўйдирмоққа етмас ошу нон.
Ҳукмдор! Халқингга бергил эркинлик
Бу - рўшнолик учун энг сўнгги имкон.

48

Бир дўстим бор эди кўп ширин калом,
Барчага аввалроқ дерди: "Ассалом..."

Яқинда ўртача амалдор бўлди
Энди аввал биздан кутмоқда салом.

1994 йил

49

Гурковчи аталмиш касб бор - ҳокисор.
Улардан медалли, ордени ким бор?
Бошқа касб ҳурматин елкамда тутсам
Ўрковчи ҳурмати - бошимда дастор.

50

Таъсирга акс таъсир – борлиқ қонуни,
Муносабат чоғи унутма буни.
Бировнинг меҳридан умидвор бўлсанг
Аввал меҳринг билан сийлагин уни.

51

Ҳукмдор яхшими ва ёки ёмон
Экани фуқаро ҳолидан аён.
Бўлса адолатли, доно, тadbиркор
Эли маъмур бўлар, юрти тинч, омон.

52

Тангри лозим кўрса энг қаттиқ жазо,
Бандасин ақлидан этармиш жудо.
Ичиб-чекувчилар шундай жазога
Ўзларин ўзлари этар мубтало.

53

Бетоб бўлганигда босмаса бошинг,
Бошингда тўкмаса кўзидан ёшин.
Ёринг баҳридан ўт ва ўзга ёрдан
Ахтаргил бахтингнинг порлоқ қуёшин.

54

Таъмагир ҳоҳ ҳоким, ҳоҳи фуқаро,
Гадойдан юз карра оқ юзи қаро.
Гадойлар - муҳтожлар, таъмагир эса
Ёлғондан муҳтожлик қилади даво.

55

Туғилган ўлмоғи - нодонга кулфат,
Ақллилар учун – беқиёс ибрат.
Туғилмоқ ва ўлмоқ мағзини чақгил
Ундан топажаксан бир олам ҳикмат.

1995 йил

55

Ботир ботирлигин кўсатади жанг,
Оқил билинади бўлганда тажанг.
Имонли кишилар замонга қараб
Буқаламун каби ўгартирмас "ранг".

56

Номенклатура деган рўйхат бор.
Бизда шундагилар бўлган амалдор.
Фарқи йўқ ҳоҳ улар жаннати бўлсин
Ҳоҳи порахўру ҳоҳи бадкирдор.

57

Фаришталар сажда айлашди бажо,
Яратилган чоғда лой Одам Ато.
Тупроқдек ҳокисор ҳар бир инсонга
Биз ҳам таъзим қилсак қилмаймиз хато.

58

"Одам" билан "инсон" маъноси бирмас,
Фарқини фарқламоқ мураккаб сирмас.
Одам – иқтидорсиз, фаунага хос
Инсон тафаккурли, бу турга кирмас.

59

Нақадар буюқдир инсоннинг зоти,
Йирик ҳарфлар билан ёзилур оти.
Жонзот шажарасин олий тахтига
Ўтқизган тафаккур - унинг қаноти.

1996 йил

60

Фарзандга азизроқ отами, она?
Бу савол, аслида, ғирт ахмоқона.
Отасиз туғилган биронта гўдак
Бормикан жаҳонда, ҳатто, ягона.

61

Зарур эҳтиёжим: доим нон бўлса,
Қорин тўйдирмоққа гўшт-ёғ, дон бўлса,
Кийгани уст-бош ва яшагани
Тўрт тарафи девор хонадон бўлса.

62

Тангрим, жисму жоним сиҳат, соғ этгин,
То меҳнат қилишга қувватим етсин.
Пешона тери-ла кечирай турмуш,
Харом рўзғоримни чеккалаб ўтсин

63

Иқтидоринг етмаган ишга қўл урма,
Беасос ўзингни қодир деб юрма.
Ҳуда-беҳудага умринг ўтказиб
Қимматли вақтингдан ажралиб турма.

64

Душманам фарзанди боақл бўлса,
Хурсандман ҳаётдан олгандек бўса.
Нега шодланмайин яхшилар сафи
Яна битта солиҳ инсон-ла тўлса.

65

Муслимлар қабрингиз нурларга тўлсин -
Тангрининг раҳмати ёғилиб турсин.
Ҳар не иш қилдингиз эзгулик ҳаққи
Жаннатнинг йўлида бир маёқ бўлсин.

66

Амалнинг ҳислати: қувласанг қочар,
Қочсанг эргашару қанотин очар.

Адолатпеша-ю, имонли бўлсанг
Бошингга элу юрт раҳматин сочар.

67

Амал курсисига ўлтиришган он,
Бўлишар баъзилар доно, билағон.
Бу улар ақлининг ўсгани эмас,
Тобелари ўзин кўрсатар нодон.

1997 йил

68

Кўнгли очиқларнинг очиқдир йўли,
Қуруқ қолмагайдир узатган қўли.
Элу юрт дуога қўлин очаркан
Шуларга тегади раҳматнинг мўли.

69

Ота - гўё қуёш, она эса – ой,
Фарзандлар - юлдузлар - осмонга чирой.
Барчаси бизларга илоҳий, чунки
Оламини ёғдуга этишади бой.

70

Бозор иқтисоди: маҳсулот - товар,
Амалдорлик - товар, жиноят - товар.
Жазонинг миқдори ўлчанар пул-ла
Мурувват – товару, диёнат товар.

71

Кўнглингдан жой олиб қозонса севгинг,
Муҳаббати билан йўғрилса қалбинг.
Фарқи йўқ ўзбек, рус, араб ё хитой
Ёр тутиб кўрсатгил ёрлик меҳринг.

72

Агар ота-онам муттаҳам, ўғри,
Ифво ва фитнанинг барака, қўри,
Элнинг энг пасткаши бўлишганда ҳам
Бошимда иккисин оёғин ўрни.

73

Тангрим, сиҳатлик бер, қуллардек ишлай,
Топганим буюрсин - беклардек яшай.
Ҳар неки мулкимдир топилсин ҳалол
Ҳалол топайину ва ҳалол ошай.

74

Олтмишдан ўтгач ёшинг
Ёстиқ бўлар йўлдошинг.
Ёшлиқда кўрсат ғайрат
Етмасдан "ёстиқ ёшинг".

75

Олимларга отилган тош,
Бу - фанларга отилган тош.
Фанларга тош отган киши
Жоҳил, худбин, бадфеъл, бебош.

76

Баъзи бир раҳбарларнинг бор бир нечта "соя"си.
Албатта, ҳар "соя"нинг бор ўзгача ғояси.
"Соя"лар ғоясига "соя" бўлдими раҳбар
Бошланади эл аро ҳулвачки ҳикояси.

77

Баъзи бирлар амалдорга ақл бўлар, ўргатар.
Шу йўл билан ўзларини оқил, Содмқ кўрсатар.
Ўргатгани хато бўлса ва бермаса самара
"Бунга раҳбар айбдор", - дея фиску фужур тарқатар

78

Жамият аъзосин бўл "кўзи", "қоши".
Тангри ёрлақасин бўл ақли, "боши".
Талабам, бўлмагин "дум", "орқа оёқ"
Бахтинг бахт оламин бўлсин қуёши.

1998 йил

79

Ҳазил ўтса меъёрдан айланади мазахга,
Мазах ўтса меъёрдан айланади дўзахга.
Ҳазил-мазах меъёрин унутилган дамларда
Дўстликнинг масофаси узаяди фарсаҳга.

80

Келиннинг, умуман, тўғриси - яхши.
Овқат бобида-чи "ўғри"си яхши.
Тўйиб овқатланса, гурсиллаб юрса,
Соғлом фарзандлар-ла йўғриси яхши.

81

Чиранма дунёга бўлай деб "устун",
Бу бир хомхаёллик - орзуйи афсун.
Дунё биносида йўқ бунга ҳожат.
У барпо этилган бетом, беустун.

82

Ҳаром тамоқ билан боқилган бола,
Ахлоқи бўлади "оқ", "қора"- "ола".
Бадфеъл, бетарбия, баъзида эса
Боламас, отасин бошига - бало.

83

Такдирим шу: мен эмасман шоҳ.
Бунинг учун чекмайман оҳ-воҳ.
Ватаним бор озод, мустақил,
Шоҳликдан ҳам ортиқроқ матоҳ.

84

Тамадди неъматинг ҳалолми, ҳаром,
Ажрата билмоқлик - таомил, маром.
Ҳалол топганингни этсанг истеъмол
Танинг олар баҳра ва кўнглинг - ором.

85

Содмқ, энг яқин дўст бу - вафоли ёр,
Бору йўқлигингда бир хил гирифтор.

26

Фарзандларга – она, сенга - ёстикдош,
Ота ва онанга яхши хизматкор.

86

Фарзандлар – мевалар, аччиқ ё ширин
Эканин дарахтин навидан билгин.
Олмурут меваси тахир, бемаза.
Унга нок улаю еб маза қилгин.

87

Келин бу бошқа нав боғнинг ниҳоли.
Янги боғда қандай кечаркан ҳоли?
Бу кўпроқ боғбоннинг меҳрига боғли.
У соҳибкор бўлса – келин иқболи.

88

Баъзилар: "Май ичма, ичма",- дейишар.
Соғлигимиз ўйлаб ташвиш чекишар.
Асли гап майдамас, гап меъёрдадир.
Баъзан ҳақимлар ҳам май буюришар.

89

Ҳазил - кишидаги ажойиб хислат.
У бор жойда бўлмас иғво ва ғийбат.
Ҳазилни ўрганинг, ҳазил кўтаринг
Ҳазил кишиларни этади улфат.

90

Бола, ўғил ё қиз, гўё ёш ниҳол
Ҳар хил “новда” берар – бу одатий ҳол.
Бемаъни “новдалар қирқиб турилса,
У тўғри ўсади – топади камол.

91

Дўстларимиз дўстлиги булади ҳар хил, дўстим,
Дўстлашиш мақсадларин маъносини бил, дўстим.
Ниятлари покларин, дўстлиги холисларин
Дўстлигини қадрла ва чин дўст бўлгин, дўстим.

92

Дунё - жумбоқ тўла улкан бир китоб.
Бир умр ўқиймиз уни бобма-боб.
Баъзи жумбоқлари осон, жўнгина.
Баъзисин ечолмай бўламиз хуноб.

93

Жон ато этмоқлик - Аллоҳнинг иши.
Умр белгилаш ҳам - унинг юмуши.
Нега ўз жонингга қасд қиларкансан?
Жон олмоқ - сенингмас, Аллоҳ ташвиши.

94

Ҳаёт қийноғига чидаганлар – мард,
Ўзини осганлар - қўрқоқ ва номард.
Ўз жонига ўзи қасд қилганларга
Минг лаънат, минг лаънат, яна минг лаънат.

95

Соядек эргашар рўзғор ташвиши,
Борми бу ташвишдан қутилган киши?
Ташвишга қўл силтаб шодон яшайлик.
Бу ҳам – боақлик, донолар иши.

96

Ота-она билан муаллим, устод -
Аллоҳдан кейинги яратучи зот.
Бирлари болада яратар вужуд,
Бошқалари эса – ақл, заковат.

97

Итнинг ёмон одати бор: олқишласанг қопади.
Бундай одат баъзиларнинг феълидан жой топади.
Шундайлар бор яхши ёки ёмонлигинг билишмас
Сенга қайраб қўйишсалар, "тишлагани" чопади.

1999 йил

98

Қалбимда барқ урсин тоза муҳаббат
Ва олам кўринсин кўзимга жаннат,

28

Кишилар атвори фариштасимон.
Ҳукмронлик қилсин меҳру оқибат.

99

Дўстларимнинг бахти мен учун ҳам – бахт,
Амал курсилари мен учун ҳам - тахт.
Дўстлар қувончидан шодланмаганлар
Қалбан бахиллару худбин ва бадбахт.

100

Маслақдошим, бу дунёмиз - у дунёмизга баён,
Ҳар бир эзгу ишларимиз – жаннатиликдан нишон.
Бу дунёмиз бир кузгуки виждон билан қарасанг, .
Жаннати ё дўзахимиз унда бўлар намоён.

2000 йил

101

Олиму фозиллар - доно инсонлар,
Асли бошқалардан камроқ нодонлар.
Олам сир-синоти шунчалар кўпки,
Ёкангни ушлайсан бўлиб ҳайронлар.

102

Тангрим, атворингдек атвор бер менга,
Бир умр санолар айтайин Сенга.
Қуёшнинг нуридек таралсин меҳрим
Ўзбек, рус, араб, ҳинд, хитой, чеченга...

2002 йил

103

Эй, тангрим, менга бер қуёшдек атвор,
Ифво, тухматларга бардошли қарор.
Яхшию ёмонга сочилсин меҳрим.
Ёмон куйиб ўлсин такрор ва такрор.

104

Ёримни ўхшатгум оқ буғдой нонга -
Кўнгилга урмайди, тегмайди жонга.
Куну тун - ҳамроҳим, маслаҳатгўйим,
Ундан ажралгим йўқ, ҳатто, бир онга.

105

Мониторга ўхшар инсонлар юзи
Унда зоҳирланар винчестер ўзи.
Эътибор билан боқ – уқиб оласан
Қалбида нима бор сўзланмай сўзи.

106

Меҳринг жўшиб кетса, сақла меъёрни,
Қаҳринг ошиб кетса, сақла меъёрни,
Тобе кишиларга дакки берар чоғ
Заҳринг тошиб кетса, сақла меъёрни.

107

Меъёр етса миқдор ўтар сифатга
Шошилган ҳаракат элтар кулфатга.
Оддий алоқада бўлган кишилар
Вақт етиб айланар дўсту улфатга.

108

Муслим бўлиш аста-аста
Ундан қайтиш бир нафасда.
Гуноҳлардан сақланайлик
Бўлиб ислом-ла пайваста.

109

Нафақахўрлик ёши - умум белгилов,
Ҳар бир кекса учун бўлолмас ўлчов.
Тўқсон ёшдан ўтиб велосипедда
Чопқиллаб юрганлар - фикримга гаров.

2003 йил

110

Зиё истаганга зиёдир дунё,
Ифво истаганга ифводир дунё.
Ниятинг йўлдошинг бўлгуси кўп вақт
Ҳумо истаганга ҳумодир дунё.

111

Тўкин яшамоққа қилайлик ният.
Шу йўлда сарфлайлик кўп, ҳалол меҳнат.

Таъмагирлар қонун ўтида куйсин,
Меҳнат ва ҳалоллик берсин баракот.

112

Муҳаббат инсонда энг азиз туйғу,
Гарчи чектирса ҳам изтироб, қайғу.
Севги савдолари ёзилар тошга
Хотирадан ўчмас, яшагай мангу.

2004 йил

113

Агар жиноятлар қолса бежазо
Ақл аҳкомлари топарди қазо.
Ер юзин эгаллаб жиноятчилар
Галдагм мўлжали бўларди фазо.

114

Ҳаёт бу функция, ҳаёт –ҳаракат,
Инсон ҳаракатдан топар баракат.
Тангрим, ётқиликни кўрмагил раво
Ҳаракат қила-ю, топай баракат.

115

Сабрни дейишар имоннинг ярми,
Шукр ҳам сабрдек имоннинг ярми.
Сабру шукрлилар имони бутун,
Уларга равомас имоннинг ярми.

116

Икки бойлик эгасини хор қилмайди,
Бошқаларга муҳтож, муте, зор қилмайди.
Бири илм, иккинчиси яхши ҳунар
Иккисига омадсизлик кор қилмайди.

117

Киши фазилатин аълоси – имон,
Имонли кишилар – ҳақиқий инсон.
Агар имонсизлар йўқ бўлишганда,
Жаннат бўлар эди жумлаи жаҳон.

118

Харомхўрлар: “»Харом емай яшаб бўлмас»”- дейишар,
Ва шу билан харомхўрлик одатин ҳаспўшлашар.
Мехнатсевар, пок виждонли миллионлаб кишилар
Ҳалол топиб эл қатори тузуккина яшашар.

119

Жонсиз нарсаларнинг азизи китоб,
Ундан уфуради билим – офтоб.
Устоз ўргатмаган илмларни ҳам
Бизга ўргатади китоб бобма-боб.

120

Муҳаббатнинг “»инчи»си бўлмас
«Инчи»” севги бу севги эмас.
Аллоҳ битта, мен, севгим - битта
«Инчи»” севги менга ярашмас.

121

Алданиб қолишлик энг ёмон ҳолат,
Алдамчилик эса катта жиноят.
Сўзим ва ишимнинг бир бўлишига
Ҳар бир масалада айладим одат.

122

Ота-она – ўтмиш, фарзанд – келажак.
Бахтинг фарзандга ҳам боғли бўлажак.
Улар соғлом ўсса, оқил, имонли
Кексайганда бахтинг тўлиқ бўлажак.

2006 йил

123

Ҳайём, Бобур, Бедил, Ҳазрат Навоий,
Тутдилар қўлимдан, бўлдим фидойи.
Ёзганларим маъқул, ёки номаъқул
Ҳаётий хулосам - ҳар бир рубоий

Т Ў Р Т Л И К Л А Р

Энг тетик кишилар

(ҳазил)

Энг тетик кишилар шоирлар фақат,
Юз ёшда ёр танлаб суя олишар.
Оғзида тиши йўқ, белида қувват,
Аммо ёр ишқида куя олишар.

19.05.1988

Осон ва қийин

Сўрадилар: «Айтинг, нима осон экан дунёда?»
Жавоб бердим: «Оқилларга ақл бўлиш – ўргатиш»
Сўрадилар: «Айтинг, нима қийин экан дунёда?»
Жавоб бердим: «Ахмоқларнинг буйруғини бажариш»

09.11.1999

Ҳаёт

Ҳаёт ҳам лаззатли, ҳам машаққатли,
Машаққат лаззатга бўлади асос.
Бир умр машаққат чекиб ўқиймиз,
Умр ўтказамиз оқилларга хос.

23.11.1999

Иштиёқсизлик

Билимга иштиёқи йўқ талаба,
Тескари экилган қаламча мисол.
Муаллим меҳнати – унган куртаклар,
Юқорига ўсмас, кўзлашар завол.

16.02.200

Жўр овоз

«Майда» сўзни қирқ тўрт бор такрорласанг қўшиқ бўлар,
Бамисоли новдаларни тўқиворсанг қошиқ бўлар.
Шундай қўшиқ оҳангига жўр бўлишиб, жўшиб тошиб,
Чўлу кўлда чўлбақаю, кўлбақалар ошиқ бўлар.

21.04.2000

Умр

Ота, она сабаб киши,
Бир умрлик умр кўрар.
Устозлари сабаб киши,
Бир дунёлик умр кўрар.

30.09.2000

Истак

Хамқасбим Шожиҳон Шўрабоевга

Қирқ беш ёшингиз бўлсин муборак,
Бизга байрам бўлди Сиз туғилган кун.
Ўтгани дебоча, қолган умрингиз,
Ўтганидан юз бор мазмунли бўлсин.

16.09.2003

Мундарижа

Ғ А З А Л Л А Р	3
Эй нозли гўзал	3
Саодат	3
Муҳаббат	Ошибка! Закладка не определена.
Бир муаллим	4
Кабоб	4
Иғво	5
Гул фасли баҳор келди	6
Наврўзи жаҳон боис	6
Қомати жонон кўринур	7
Аёл борки	7
Наманган гул диёрим	8
Ёр этдинг	8
Бахмал қуёши	9
Яйра дил	9
Турғун ва ўткинчи	10
Жонон келади	11
Нозанин	12
Лариса қўшиқ айтганда	12
Нанайдан ёринг бўлса	13
Р У Б О И Й Л А Р	13
Т Ў Р Т Л И К Л А Р	32
Энг тетик кишилар	33
Осон ва қийин	Ошибка! Закладка не определена.
Ҳаёт	Ошибка! Закладка не определена.
Иштиёқсизлик	Ошибка! Закладка не определена.
Жўр овоз33 Умр	3034
Истак	34

СОДИҚМИРЗА АБДУЛЛАЕВ

ТАФАККУР ТУҲФАСИ

(Ғазаллар, рубоийлар, тўртликлар)

Муҳаррир:	Жамолиддин Муслим
Мусахҳиҳ:	И. Э. Жумабоев
Комп.оператори:	И. Э. Жумабоев
Мусаввир:	А. Аббосов

Теришга 20.01.2007 йилда берилди. Босишга 15.03.2007 йилда рухсат этилди. Оқ коғозга офсет усулида чоп этилди. Бичими 60x84 1Ғ32. Ҳажми 0,75 босма табоқ. Адади 1000 нусха. Буюртма № 21. Баҳоси келишилган нарҳда.

«Наманган» нашриёти, Наманган шаҳри,
А. Навоий кўчаси, 36-уй, 3-қават.

«Фахризода» кичик корхонаси
(Дўстлик шоҳкўчаси, 2«А» уй)да чоп этилди